

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НАФАСОВ ЗАФАР НУРМАХМАДОВИЧ**

**ИГНА БАРГЛИ ДАРАХТЛАРНИ АСОСИЙ СЎРУВЧИ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural  
sciences**

**Нафасов Зафар Нурмахмадович**

Игна баргли дарахтларни асосий сўрувчи зараркунандалардан ҳимоя қилиш  
тизимини ишлаб чиқиш . . . . . 3

**Нафасов Зафар Нурмахмадович**

Разработка системы защиты хвойных деревьев от основных сосущих  
вредителей.....17

**Nafasov Zafar Nurmahmadovich**

Working out the system of protection of coniferous trees from the basic sucking  
(wreckers) pests.....31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 37

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НАФАСОВ ЗАФАР НУРМАХМАДОВИЧ**

**ИГНА БАРГЛИ ДАРАХТЛАРНИ АСОСИЙ СЎРУВЧИ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.PhD/Qx55 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Яхяев Ҳошим Қосимович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Кимсанбаев Хужамурод Хамроқулович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Фаррухбек Эргашбоевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (533721 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «17» февралда тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида игна баргли дарахтлар зараркундалари Кичик Осиё, Европанинг ҳамма мамлакатларида, жумладан Россия ва Украина, ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, катта зарар келтириши кузатилган. Табиатни яхшилаш, табиий биоҳилма-ҳилликни ошириш, аҳоли яшаш пунктларининг санитария ҳолатини яхшилаш ва экологик вазиятни эътиборга олган ҳолда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва ўрмончилик соҳаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Экологик мувозанатни сақлашда ўрмонларнинг аҳамияти жуда каттадир ва у инсониятни хавф остида қолдираётган муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёнинг етакчи мамлакатлари Италия, Германия, Франция, АҚШ, Хитой, ҳамда МДХ давлатларида игна баргли дарахтлар зараркундалари (унсимон куртлар, ширалар, қалқондорлар ва б.) нинг тур таркиби, биологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарарини ўрганишга ва уларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам зараркундаларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши, зарар келтириши ва уларга қарши кураш чоралари ўрганилиб, бу зараркундаларга қарши экологик хавфсиз ва самарали кураш чоралари тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Республикамиз тоғ ўрмонларини асосан арчазорлар ташкил қилади. Арчазорлар умумий майдони Марказий Осиёда қарийиб 633 минг, жумладан Ўзбекистонда 190 минг га тенг, бу эса барча тоғ ўрмонларининг 52% га тенгдир. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Айниқса манзарали дарахтларни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Бу борада зараркундалар ва касалликларга бардошли, тупроқ иқлим шароитига мос игна баргли дарахт турларини кўпайтириш ва зараркундалар кўпайишини олдини олиш усуллари тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон иқлим шароити учун янги бўлган игна баргли дарахт турларини маданийлаштириш ва уларнинг асосий сўрувчи зараркундалардан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 январдаги 5-сон «2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва

озикабоп ўсимликлар хом-ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига ҳамда бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикасида фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация доирасидаги тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга муқофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Игна баргли дарахтларни зараркунандалари турлари ва систематик таҳлиллари бўйича хорижий олимлардан V.Francard, Covassi, Sh Ratti, R.C. Fox, Furuno, Tooshiv, уларга қарши кураш чоралари бўйича A.Valenti Michael., Van Tol.R.W.H.M., Zwolinski J.B., Grey, Mathеглар тадқиқот ишлари олиб боришган. МДХ мамлакатлари бўйича Л.Н.Бугаева, В.И.Пилипюк, В.В.Игнатъева, И.П.Лежнева, М.А.Лазарев, С.А.Лабинов ва бошқа тадқиқотчилар игна баргли дарахтлар зараркунандаларининг турлар, тарқалиши, зарари ва уларга қарши кураш чора-тадбирлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Бирок Республикамиз иқлим шароитида ўрмончилик ва ободонлаштириш тизимида игна баргли дарахтларга зарар етказадиган зараркунандаларнинг тарқалиши, зарари, тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, иқтисодий зарар мезони ва уларга қарши экологик хавфсиз кураш чора-тадбирлари етарлича ўрганилмаган. Игна баргли дарахтлар асосан тоғли ва шаҳар аҳолиси зич яшайдиган ҳудудларда, зараркунандалар билан кучли зарарланиши оқибатида уларни ҳимоя қилиш тадбирларини ўтказишда, экологик нуқтаи - назардан юқори заҳарли инсектицидларни қўллаш имкониятлари чекланганлигини инобатга оладиган бўлсак, юқоридаги муаммоларга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасини ҚХИ-5-114-2013 «Кокцинеллидларни саноат усулида кўпайтириш ва қўллаш усуллари жорий этиш» (2013-2014 йй.) ва ҚХА-9-092-2015 «Угом-Чотқол ва Ҳисор-Зомин климит ҳудудларида зараркунанда ва касалликларга қарши хавфсиз кураш усуллари ишлаб чиқиш» (2014-2017 йй.) мавзулардаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** игна баргли дарахтлар сўрувчи зараркунандаларининг тарқалиши ва зарарини, табиий энтомофағларининг тур таркиби, зараркунандалар популяцияси миқдорини камайтиришдаги аҳамияти ҳамда ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

игна баргли дарахтларни асосий сўрувчи зараркунандалари турларини аниқлаш, уларни асосий ва иккиламчи турларга ажратиш;

игна баргли дарахтларни асосий сўрувчи зараркунандалардан химоя қилишнинг биологик усуллари ишлаб чиқиш;

агротоксикологик тадқиқотлар ёрдамида истиқболли инсектицидларни танлаб олиш ва синовдан ўтказиш;

игна баргли дарахтлар ўстириладиган барча ҳудудларда уларни асосий сўрувчи зараркунандалардан химоя қилиш тизимларини ишлаб чиқиш;

игна баргли дарахтларнинг асосий сўрувчи зараркунандаларидан химоя қилишда юқори самара берувчи инсектицидларни қўллаш ва уларнинг иқтисодий самарадорликларини баҳолаш танланган.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республикамиз ҳудудларидаги игна баргли дарахтлар, ҳамда уларга зарар келтирувчи асосий сўрувчи зараркунандалар ва уларнинг табиий энтомофаглари.

**Тадқиқотнинг предмети** игна баргли дарахтларни асосий сўрувчи зараркунандалардан химоя қилишда илмий асосланган, истиқболли кимёвий ва биологик химоя воситаларидан фойдаланиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалик энтомологиясида кенг фойдаланиладиган барча усул ва услублар ёрдамида бажарилди. Игна баргли дарахтларнинг зараркунандаларини ҳисобга олиш, зараркуанда ва энтомофагларнинг турини аниқлаш ва кузатувлар олиб бориш ҳамда намуналар йиғиш F.S.Bodenheimer услубий кўрсатмалари ёрдамида бажарилди. Ҳашаротларнинг зарар келтириши В.И.Танский, агротоксикологик тажрибалар эса умум қабул қилинган К.Л.Нэгли, W.R.Allen, К.А.Гар, Н.Н.Мельников, К.В.Новожилов, Т.Н.Пылова, А.Ф.Ченкин услубларга мувофиқ ўтказилди. Тажрибалар натижалари бўйича биологик самарадорлик W.S.Аббот формуласига мувофиқ аниқланди. Тажриба асосида олинган барча маълумотлар Б.А.Доспехов, В.И.Терехов, С.П.Афонин услублари ёрдамида математик ва статистик таҳлил қилинди. Алоҳида ҳолатларда «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилди. Вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) Ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институтининг «Мониторинг ва ахборот технологияларни қўллаш» бўлимида яратилган компьютер дастури ёрдамида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Республикамиз шароитида игна баргли дарахтларнинг асосий сўрувчи зараркунандаларнинг тарқалиши, зарари, тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, сўрувчи турларининг ривожланишнинг фенологияси ва зарарланиш даражалари аниқланган;

игна баргли дарахтлар тизимида сўрувчи зараркунандаларнинг пайдо бўлишини башорат қилиш ва қарши кураш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш муддатлари аниқланган;

игна баргли дарахтларнинг асосий сўрувчи зараркунандаларга қарши курашнинг юқори самара берувчи биологик ва кимёвий усуллари ишлаб чиқилган;

қўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва ўрмон хўжаликлари учун қулай, арзон ва самарали, атроф-муҳит ва табиий энтомофаглар учун эса безарар бўлган кураш тизими ишлаб чиқилган;

игна баргли дарахтларни сўрувчи зараркунандалардан химоя қилиш тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

игна баргли дарахтларнинг асосий сўрувчи зараркунандалари турлари ва таркиби аниқланиб, уларнинг тарқалиши ва зарари, биоэкологик хусусиятлари баҳоланган;

асосий сўрувчи зараркунандаларга қарши кимёвий ҳамда биологик кураш усуллари яратилган;

игна баргли дарахтларнинг зараркунандаларига қарши «Багира», «Имитрин», «Овипрон», препаратларини қўллаш бўйича «Давлат кимё комиссиясининг рўйхатига» киритилган;

игна баргли дарахтлар зараркунандаларига қарши ишлаб чиқилган ва тавсия этилган кураш усуллари ёрдамида ўрмон хўжаликлари ва ободонлаштириш бошқармалари харажатларини қисқартиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган. Қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, илмий ва амалий натижалар асосида учта препарат Давлат кимё комиссиясининг рўйхатидан ўтказиш учун тавсия берилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий амалий аҳамияти игна баргли дарахтлар зараркунандаларининг тарқалиши, тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари ва уларнинг зарари аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида табиий энтомофагларнинг биоценоздаги фаоллигини ошириш усуллари ишлаб чиқилди ва зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлар: «Овипрон», «Атилла», «Багира», «Имитрин», «Би-58», «Нурелл-Д», «Конфидор», «Агровитал», «Имдоклоприд», «Каратэ», «Моспилан», «Фаскорд» кимёвий препаратлари синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларини республикамизнинг турли ҳудудларда игна баргли дарахтларнинг сўрувчи зараркунандаларга қарши уйғунлашган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зараркунандаларига қарши курашнинг мажмуавий тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:



игна баргли дарахтларнинг асосий сўрувчи зараркундаларига қарши курашда қўлланилган «Багира», «Имитрин», «Овипрон», препарати «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га киритилган «Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 15 ноябрдаги 02-12/2025-сон маълумотномаси). Натижада игна баргли дарахтларнинг асосий сўрувчи зараркундаларга қарши яратилган ишланмалар амалиётга жорий этишда хизмат қилмоқда;

Сўрувчи зараркундаларга қарши «Багира» кимёвий препаратини 0,3 л/га меъёрда қўллаш бўйича ишланмалар Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ўсимликларни химоя қилиш марказларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 17 мартдаги 02/20-257-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 100 туп сақлаб қолинган дарахт ҳисобида «Багира» препарати 0,3 л/га қўлланилганда иқтисодий самарадорлик 1516 минг сўмни, «Атилла» 0,7 л/га қўлланилганда 1508 минг сўмни ташкил қилган;

Тошкент шаҳри ҳокимияти Ободонлаштириш бошқармаси шароитида сўрувчи зараркундаларга қарши «Багира» кимёвий препаратини 0,3 л/га, «Овипрон» 15 л/га меъёрда 17000 туп игна баргли дарахтларда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 17 мартдаги № 02/20-257-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодий самарадорлик ҳар 100 туп ҳисобида 1516470 сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари 6 та, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан 18 та республика ва 3 та хорижий журналларда, 2 та халқаро, 4 та Республика конференцияларида, ҳамда 2 та қўлланма, 1 та йўриқнома, 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги

баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Игна баргли дарахтларнинг зараркунандалари: тарқалиши, уларга қарши курашнинг аҳволи ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича адабиётлар шарҳи баён этилган. Бунда кўтарилган мавзунинг ҳозирги аҳволи, игна баргли дарахтларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш масалалари ҳамда янгича ҳимоя қилиш усул ва воситаларини қўллаш имкониятлари, бу борада ўтказилган тадқиқотларнинг аҳволи ва мавжуд муаммоларнинг мажмуаси аниқлаб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган жойлар ва ишлатилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг (Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари) иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари ишлаб чиқилган.

Бобда тадқиқотда ишлатилган турли мақсадларни кўзлаган усул ва услублар келтириб ўтилган (К.А.Гар, W.S.Abbot, Б.А.Доспехов, Ш.Т.Хўжаев таҳрири остидаги услубий кўрсатмалар ва б.). Ҳашаротларнинг зарар келтириши В.И.Танский услуби бўйича аниқланди. Олинган натижалар В.И.Терехов, С.П.Афонин услублари ёрдамида математик ва статистик ишлов берилган.

Диссертациянинг «**Игна баргли дарахтларга зарар келтирувчи сўрувчи ҳашаротларнинг биоэкологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида игна баргли дарахтларнинг асосий сўрувчи зараркунандалар турлари, тарқалиши, биологияси, фенологияси, зарари ҳамда тенг қанотли хартумлилар туркуми *Pseudococcidae* оиласига мансуб арча унсимон куртти *Planococcus vovae* Nas., тенг қанотлилар (Homoptera) туркумининг *Aphidinea* кенжа туркумига мансуб катта шафтоли тана шираси - *Pterochloroides persicae* Chol., қарағай ширалари - *Cinara pinea* Mordv., *Cinara* ва *Essiqella pini*. энг кўп тарқалган турлардан бўлиб, ҳар 100 туп арчадан 60-70 ва баъзан эса 80% зарарланиши аниқланган. Табиатда унсимон куртлар билан биргаликда уларнинг табиий кушандалари криптолемус (*Cryptolaemus montrouzieri* Muls.), скумунис, хилакорус (*Chilocorus renipustulatus* Scr. ва *Chilocorus bipustulatus* L.) турларини учраши аниқланганлиги ва табиий кушандаларининг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Игна баргли дарахтларнинг сўрувчи зараркунандаларига қарши самарали кураш усул ва воситаларини яратиш**» деб номланган тўртинчи бобида унсимон куртларга қарши криптолемус (*Cryptolameus montrouzieri* Muls.) табиий кушандасини сунъий кўпайтириш ва ишлатиш бўйича шираларига қарши эса олтинкўз кушандасини қўллаш натижалари баён қилинган. Криптолемус энтомофагини 1:10; 1:15; 1:20 ва 1:25 нисбатларда тарқатилганда биологик самарадорлик (1-2 жадвал) келтириб ўтилган. Шунингдек арча унсимон куртига қарши Карачэ, Би-58 (янги), 40 % эм.к., Багира, 20 % эм.к., Каратэ, 5 %, эм.к., Имидоклоприд, 35 % эм.к., Агровитал, 20 % эм.к. кимёвий кураш усулининг биологик

самарадорликлари келтирилган (3-4 жадвал). Унсимон куртларига қарши Имидоклоприд, 35 % эм.к., Агровитал, 20 % эм.к., Вертимек, 1,8 % эм.к., Абалон, 1,8 % эм.к., Конфидор, 20 % эм.к., Багира, 20 % эм.к., Конфидор, 20 % эм.к. Каратэ, 5 % эм.к. ва Моспилан, 20 % н.кук. препаратлари қўлланилганда олинган биологик самарадорлик келтирилган.

### 1-жадвал

#### Арча унсимон куртига қарши криптолемуснинг биологик самарадорлиги

Вариантлар	Тарқатилган вақт	1 метр новдадаги зараркундалар сони, экз	21 кундан сўнг, зараркундалар сони	Назоратга нисбатан самарадорлик, %
<b>Тошкент, Ботаника боғи, 2013 й.</b>				
1: 10	10. 08	67,4 ±1,0	8,8 ±1,01	89,1±1,08
1: 15	10. 08	64,5 ±1,6	21,3 ± 0,7	70,8 ±1,7
1: 20	10. 08	60,7 ±0,8	34,2 ±1,5	55,9 ± 0,9
1: 25	10. 08	59,3 ±1,2	42,6 ±1,8	40,3 ± 2,3
Назорат	-	67,6±1,1	81,4 ± 2,1	-
<b>Тошкент, Ботаника боғи, 2014 й.</b>				
1:10	12. 07	51,3 ±0,89	32,4 ± 1,52	91,0 ±1,17
1: 15	12. 07	65,4 ±0,46	30,9 ±1,82	72,5 ±1,1
1: 20	12. 07	70,2 ±0,96	22,8 ±1,66	60,0 ±1,3
1: 25	12. 07	57,8 ±1,8	5,4 ±0,18	46,4 ±0,9
Назорат	-	69,9 ±0,85	82,6 ±0,86	-

Диссертациянинг «Игна баргли дарахтларни зараркундалардан ҳимоя қилишнинг хўжалик ва иқтисодий аҳамияти» деб номланган бешинчи бобида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, шу жумладан, ўсимликларни зараркундалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш соҳаси ҳам, иқтисодий қонунларга бўйсунуши, ўсимликларни зараркундалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш масалаларини ечишда амалиёт билан боғлиқ томонларини ҳисобга олиш лозимги кўрсатиб ўтилган.

## 2-жадвал

## Унсимон қуртга қарши криптолемус табиий қушандасининг биологик самарадорлиги

(Самарқанд вилояти Самарқанд тумани, 2013-2014 йй.)

Криптолемус тарқатиш нисбати	Тарқатилган вақт (кун, ой, йил)	Дарахтнинг баландлиги метр	1 метр новдада зарарқунанда сони, экз	Назоратга нисбатан самарадорлик, %
1:10	24.07.2014	6,5	55,8	85,9
1:15	24. 07. 2014	7,5	73,5	75,1
1:20	24. 07. 2014	8,0	89,7	66,7
1:25	24. 07. 2014	10,0	93,5	49,8
Назорат	-	-	76,9	-
ЭКФ <sub>05</sub>				2,12

## 3-жадвал

## Арча унсимон қуртига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги

(ЎҲҚИТИ худудидаги арчаларда ўтказилган тажрибалар 9.07.2015 й.)

Вариантлар (препаратлар номи)	Дори сарфи, л(кг)/га	Зарарқунанданинг 15 см новдадаги ўргача сони, дона				Биологик самарадорлик кунлар бўйича, (%)		
		дори сепишдан олдин	Дори сепишдан кейин, кунлар бўйича			3	7	14
			3	7	14			
Назорат (ишловсиз)	-	49,5	51,25	50,75	48,0	-	-	-
Карачэ, 5%эм.к.	0,3	50,5	3,5	3,0	9,5	89,3	88,2	80,6
	0,7	7,75	2,5	3,25	8,5	93,9	91,4	83,6
Би-58(янги), 40% эм.к.	1,8	37,5	2,25	2,25	1,0	92,2	88,1	87,0
	2,0	36,5	1,25	2,5	7,5	95,6	92,3	90,2
Багира, 20% с.э.к.(андоза)	0,2	38,25	1,25	2,25	7,5	90,8	86,3	77,6
	0,3	42,75	1,25	2,5	7,5	93,1	88,2	81,0
ЭКФ <sub>05</sub>								2,2

**Арча унсимон қуртига қарши инсектицидларнинг биологик самарадорлиги**

(Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ўрмон хўжалиги, 26 июл 2015-2016 йй.)

Вариант-лар	Сарф меъёри л/га	20 см новдада куртлар сони, дона				Биологик самарадорлик кунлар бўйича, %				
		Дори сепиш - гача	Дори сепилгандан кейинги кунларда				1	3	6	9
			1	3	6	9				
Имидок-лоприд, 35% эм.к.	0,4	41,75	-	29,6	10,2	7,8	-	36,2	80,1	86,5
	0,6	44,75	-	25,6	8,5	2,9	-	47,7	84,5	95,3
Агровитал, 20% эм.к.	0,5	42,76	-	31,1	13,9	9,7	-	33,6	73,4	83,7
	0,8	51,78	-	26,2	9,1	3,2	-	53,7	85,7	95,5
Назорат	-	49	-	53,6	60,1	68,2	-	-	-	-
<b>ЭКФ<sub>05</sub></b>										2,4

Республикамиз шароитида игна баргли дарахтларнинг зараркунандаларига қарши кимёвий кураш чоралари сифатида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати» га киритилган инсектицидлардан ҳамда биологик кураш усули сифатида криптолемус энтомофаги фойдаланиб, уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда асосан игна баргли дарахтларнинг сўрувчи зараркунандаларига қарши «Багира», 20% эм.к. ва «Атилла», 5% эм.к препаратларининг биологик самарадорлигини билган ҳолда, уларнинг иқтисодий томонини баҳолаш мақсадида изланишлар ўтказилган.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шароитида Виргин арчасида унсимон қуртига қарши қўлланилган Криптолемус энтомофагининг иқтисодий самараси 5-жадвалда келтирилган бўлиб, назоратда 1 гектарда (10000 дона кўчат) ҳисобидан олинган шартли соф фойда 33000000 сўмни, рентабеллик эса 204% ни ташкил қилган. Арча унсимон қуртига қарши қўлланилган «Багира», 20% эм.к препаратининг иқтисодий самарадорлиги 6-жадвалда кетирилган бўлиб, 1 гектар (10000 дона кўчат) ҳисобида олинганда назоратга нисбатан соф фойда 71943500 сўмни, рентабеллик эса 153% ни ташкил қилди. «Атилла», 5% ли эм.к перепарати қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан 68589500 сўмни рентабеллик 145% ни ташкил этдган.

**Виргин арчалари унсимон қуртларига қарши криптолемус энтомофагининг қўлланилганда иқтисодий самарадорлиги**

(Тошкент вилояти Қибрай тумани, ЎХҚИТИ, 2013-2014 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар				
		Назорат	Багира, 20% эм.к. 0,3 л/га	Криптолемус		
1.	1 гектардаги кўчатлар сони, дона	10000		10000	10000	10000
2.	Сақлаб қолинган кўчатлар сони, дона	6100	8765	6820	7650	8345
3.	Йўқотилган кўчатлар сони, дона	3900	1235	3180	2350	1655
4.	1 гектарга тарқатилган энтомофаглар сони, дона			20000	25000	30000
5.	1 га майдонга кетган энтомофаглар сарфи, сўм		39000	80000	100000	120000
6.	1 гектарни ҳимоя қилишга кетган харажатлар		135000	5000	6000	7000
7.	Сақлаб қолинган 1 туп кўчатни сотиш нархи, сўм	15000	15000	15000	15000	15000
8.	Йўқотилган кўчатларни умумий сарфи, сўм	58500000	18525000	47700000	35250000	24825000
9.	Жами харажатлар, сўм	58500000	18699000	47785000	35356000	24952000
10.	Сақлаб қолинган кўчатларни қиймати, сўм/га	91500000	131475000	102300000	114750000	125175000
11.	Шартли соф фойда йиғиндиси, сўм	33000000	112776000	54515000	79394000	100223000
12.	Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик, сўм		79776000	21515000	46394000	67223000
13.	Сарфланган 1 сўмдан олинган соф фойда		2,42	0,65	1,41	2,04
14.	Ҳимоя қилиш фойдалилиги, (рентабеллик,%)		242,0	65,00	141,6	204,0

**Виргин арчаларининг унсимон қуртларига қарши инсектицидларни  
қўлланилганда иқтисодий самарадорлиги**

(Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 2013-2014 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар		
		Назорат	Багира 20% эм.к.	Атилла 5% эм.к.
1	1 гектардаги кўчатлар сони, дона	10000	10000	10000
2	Сақлаб қолинган кўчатлар сони, дона	6572	8976	8865
3	Йўкотилган кўчатлар сони, дона	3428	1024	1135
4	1 гектарга кетган дори миқдори кг/л		0,3	0,7
5	1 гектарга кетган дори сарфи, сўм		39000	63000
6	1 гектарни ҳимоя қилишга кетган харажатлар		137500	137500
7	Сақлаб қолинган 1 туп кўчатни сотиш нархи, сўм	15000	15000	15000
8	Йўкотилган кўчатларни умумий сарфи, сўм	51420000	15360000	17025000
9	Жами харажатлар, сўм	51420000	15536500	17225500
10	Сақлаб қолинган кўчатларни қиймати, сўм/га	98580000	134640000	132975000
11	Шартли соф фойда йиғиндиси, сўм	47160000	119103500	115749500
12	Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик, сўм		71943500	68589500
13	Сарфланган 1 сўмдан олинган соф фойда		1,53	1,45
14	Ҳимоя қилишнинг фойдалилиги, (рентабеллик, %)		153	145

### ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон шароитида арчага 20 турдан ортиқ зараркунанда ва ҳашаротлар зарар келтириши ва улардан асосийлари сўрувчи зараркунандалар 30% эканлиги ва бошқа турлар (баргхўрлар, уруғхўр, пўстлоқхўр, лубхўрлар, илдиз кемирувчи тунламлар, бузоқбош, қуйруқли бузоқбошлар) каби зараркунандалари эса 70% ни ташкил этиши аниқланиб, уларга қарши кураш чоралар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилди.

2. Тенг қанотли хартумлилар туркуми *Pseudococcidae* оиласига мансуб арча унсимон қурти *Planococcus vovae* Nas., тенг қанотлилар (Homoptera) туркумининг *Aphidinea* кенжа туркумига мансуб катта шафтоли тана шираси - *Pterochloroides persicae* Chol., қарағай ширалари - *Cinara pinea* Mordv., *Cinara* ва *Essiqella pini*. энг кўп тарқалган турлардан бўлиб, ҳар 100 туп арчадан 60-70% ва баъзан эса 80% зарарланиши аниқланди.

3. Шираларнинг 17 турга мансуб энтомофаглари: шулардан 8 тур хонқизи кўнғизлари, 2 тур сирфид пашшалари, 3 тур олтинкўзлар, йиртқич чумолиларнинг 1 тури, йиртқич қандалаларнинг 3 тури, йиртқич ўргимчаклар 1 тури учраши аниқланди.

4. Табиатда унсимон куртлар билан биргаликда уларнинг табиий кушандалари Криптолемус (*Cryptolaemus montrouzieri* Muls.), сцумунис, хилакорус (*Chilocorus renipustulatus* Scr. ва *Chilocorus bipustulatus* L.) турларини учраши аниқланди. Ушбу энтомофаглар орасадидан криптолемус энтомофаги бошқа энтомофагларга нисбатан кўп 30-40% тарқалганлиги билан ажралиб турди.

5. Лаборатория шароитида картошка ёки қовоқда кўпайтирилган криптолемус табиий кушандасини Тошкент вилояти шароитида арча унсимон куртига қарши 1:10; 1:15; 1:20 ва 1:25 нисбатларда тарқатилганда биологик самарадорлик мос равишда 46,5%, 58,4%, 69,6 ва 80,4% ни ташкил этган бўлса, Самарқанд вилояти шароитида бу кўрсаткичлар мос равишда 66,2%, 78,5%, 85,9% ни ташкил этди.

6. Арча унсимон куртига қарши «Карачэ», 5% эм.к., (гектарига 0,7 л), «Би-58» (янги), 40% эм.к. (гектарига 2,0 л), «Багира», 20% эм.к. (гектарига 0,3 л) препаратлари қўлланилганда биологик самарадорлик «Карачэ», 5 % к.эм. гектарига 0,5 л қўлланилганда 80,6-83,6%, «Багира», 20 эм.к. препаратида 77,6-81,0%, «Фаскорд» 10% эм.к. да (гектарига 0,2 л сарф меъёрда) 93,3-94,9% ва «Би-58» (янги), 40 % эм.к. препарати қўлланилганда 92,2-95,6% бўлганлиги кузатилди. Игна баргли дарахтларда арча унсимон куртига қарши «Би-58» (янги) 40 % эм.к. препаратининг таъсири бошқа гуруҳдаги инсектицидларга нисбатан узокроқ сақланиши аниқланди.

7. Қарағай шираларга қарши «Имидоклоприд», 35% к.эм., препарати икки хил сарф-меъёрларда (гектарига 0,6 л, 10 л сувга, 4-6 мл) қўлланилганда биологик самарадорлик мос равишда 84,5-95,3% ни, «Агровитал», 20% эм.к. препарати (гектарига 0,8 л меъёрда) 85,7-95,5 % ни ташкил қилди. «Вертимек», 1,8% эм.к. (гектарига 0,3 л), «Абалон», 1,8% эм.к. (гектарига 0,3 л), «Конфидор», 20% эм.к., (гектарига 0,3 л, «Багира», 20 % эм.к. (гектарига 0,3 л) препаратлари икки хил сарф-меъёрларда синалганда деярли бир хил самара кўрсатди. Ҳисобнинг учинчи кунида 91,0-93,0%, 14 нчи кунида эса 86,0-89,0% биологик самарадорликка эга бўлди. Замонавий неоникотиноид кимёвий синфига оид «Конфидор», 20% эм.к. инсектициди гектарига сарф-меъёри 0,3 л/га ҳисобида қўлланилганда, бунда 3-чи кундан кейин 86,5%, 3 ва 9 кундан кейин эса 98,4-100% биологик самара олинди. Шу каби «Каратэ», 5 % эм.к. синтетик пиретроидини ҳам гектарига 0,3 л сарф этилганда 3-чи кундан кейин 86,5%, 6-9-чи кунлари эса 92-100% лик биологик самара кўрсатди. «Моспилан», 20 % лик н.кук. препаратининг самарадорлиги ҳам юқори бўлиб, энг мақбул меъёри гектарига 0,2 кг бўлди ва бунда 1 кундан сўнг 91,8 %, 3-чи кундан бошлаб эса 100% биологик самара олинди.

8. Арча унсимон куртига қарши қўлланилган «Багира», 20 % эм.к. препаратининг иқтисодий самарадорлиги (1 гектарда 10000 дона кўчат ҳисобида олинганда) назоратга нисбатан соф фойда 71943500 сўмни, рентабеллик эса 153% ни, «Атилла» перепаратининг 5% эм.к. қўлланилган вариантларда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 68589500 сўмни ва 145 % ни ташкил этди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗАЩИТЫ  
РАСТЕНИЙ**

**НАФАСОВ ЗАФАР НУРМАХМАДОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ ЗАЩИТЫ ХВОЙНЫХ ДЕРЕВЬЕВ ОТ  
ОСНОВНЫХ СОСУЩИХ ВРЕДИТЕЛЕЙ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Qx55.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте защиты растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный руководитель:**

**Яхьяев Хошим Қосимович**

доктор сельскохозяйственных наук

**Официальные оппоненты:**

**Кимсанбаев Хужамурод Хамрокулович**

доктор биологических наук, профессор

**Юлдашев Фаррухбек Эргашбоевич**

доктор философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт  
Лесного хозяйства**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: факс (+99871)260-38-60. e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц-зал)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № 533721). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра Тел.: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «17» февраля 2018 г.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.)

**Б.А. Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

**Я.Х. Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.с.х.н.

**М.М. Адилов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Вредители хвойных деревьев широко распространены по всему миру, в том числе в странах Малой Азии, Европы, в России и на Украине, а также в странах Центральной Азии и наносят значительный ущерб. Уделяется особое внимание улучшению биологического разнообразия природы, озеленению и улучшению санитарного состояния населенных пунктов, а также лесного хозяйства. Лесные массивы имеют большое значение в удержании экологического равновесия природы. Одной из проблем современности для человечеству является угроза экологической обстановки. Поэтому ведутся исследования по выявлению новых видов хвойных деревьев и разработке мер борьбы против них.

В настоящее время в развитых странах мира таких как Италия, Германия, Франция, США, Китай, а также в странах СНГ сосущие вредители хвойных деревьев (мучнистые червецы, тли, щитовки и др.) наносят существенный вред. Эти вредители всасывают сок деревьев, что иногда приводит к их высыханию. Исходя из этого, в настоящее время необходимо проведение углубленных научных исследований по решению вышеназванных проблем и разработке систем экологически безопасных, высокоэффективных мер борьбы является требованием современности.

Площадь можжевельников в Центральной Азии составляет 633 тысяч гектаров, из них 190 тысяч гектаров на территории Узбекистана, что составляет 52% площади горных лесов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важнейшие задачи «...разработка и внедрение мер борьбы защиты растений от вредителей и болезней». Особенно уделено большое внимание совершенствованию возделывания декоративных деревьев. В этом плане вопросам увеличения видов хвойных деревьев, устойчивых вредителям и болезням, разработке систем профилактики и их внедрения в производство уделяется большое внимание. Деревья в горных лесах республики в основном состоят из можжевельников. В условиях республики Узбекистан биоэкологические особенности развития этих вредителей, ареалы их распространения, пороги вредоносности и меры борьбы против них исследованы недостаточно.

Результаты диссертационной работы способствуют выполнению Постановления Президента Республики Узбекистан от 11 мая 2017 года за № ПК-2966, а также указа Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 января 2015 года за № 5 «О мерах по совершенствованию в 2015-2017 годах системы лесного хозяйства, увеличения возделывания лекарственных и кормовых растений, их заготовки и переработки». Кроме этого уделено большое внимания выполнению других правовых норм и мероприятий их выполнения.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и

технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

